

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУМАЛИКОВ АБДУЛАТИФ АБИДЖОНОВИЧ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА
ШАХС ИНФОРМАЦИОН МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2018

Фан доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (PhD)

Contents of the Doctoral (PhD) Dissertation Abstract

Абдумаликов Абдулатиф Абиджонович

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида шахс
информацион маданиятини шакллантириш..... 3

Абдумаликов Абдулатиф Абиджонович

Формирование информационной культуры личности в условиях
развития гражданского общества..... 17

Abdumalikov Abdulatif Abidzhonovich

Formation of informational culture of personality in the conditions of
development of civil society..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУМАЛИКОВ АБДУЛАТИФ АБИДЖОНОВИЧ

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА
ШАХС ИНФОРМАЦИОН МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fa1.108 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa.@nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳакимов Назар Ҳакимович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўйчиев Бердикул Тўрақулович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Рузиева Рухсора Ходиевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Н.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Н.Б.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

М.Т.Жакбаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугун жаҳонда инфор­ма­цион ма­да­ния­т халқлар ва давлатлараро муносабатларда, шунингдек, мамлакат ички ҳаётида ҳам ҳар қачонгидан кўра кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги даврда дунё бўйича 3,2 млрд. одам Интернет хизматларидан фойдаланади. Ҳар қандай воқеа-ҳодиса ахборот технологиялари туфайли бир зумда Глобал воқеага айланмоқда. Глобаллашув жараёнида ахборот ҳам ижобий, ҳам салбий куч сифатида намоён бўлмоқда. Жаҳон ҳамжамияти кишиларда инфор­ма­цион ма­да­ния­тни ривожлантириш муаммосига жиддий эътибор қаратмоқда. Ривожланган мамлакатлар томонидан имзоланган глобал ахборот жамияти хартияси тузилганлиги фикримизнинг далилидир.

Жаҳонда ахборот соҳасидаги турли тазйиқларнинг олдини олиш механизмларини, технологиясини ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, шахс инфор­ма­цион ма­да­ния­ти ва унинг ижтимоий-фалсафий таҳлили; ахборотлашган жамиятда инфор­ма­цион ма­да­ния­т: назарий таҳлил ва амалий хулосалар; глобаллашув жараёнида шахс ҳаётида инфор­ма­цион ма­да­ния­т аҳамия­тининг ор­тиб бориши, унинг ижтимоий вази­фалари, тузилиши ва йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу боис ахборот соҳасидаги глобаллашув жараёнлари, ахборотнинг ижтимоий-фалсафий, мафкуравий моҳияти, қонуниятлари, ўзига хос хусусиятлари, инфор­ма­цион ма­да­ния­тни шакллантириш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ахборот соҳасини жаҳон андозаларига мослаштириш ҳамда ахборот хуружларининг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Демократик ислохотлар даврида мамлакатимизда 200 дан ор­тиқ қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилиб, улар асосида 9000 дан кўпроқ нодавлат но­ти­жорат ташкилотлари, 1500 дан ор­тиқ оммавий ахборот воситалари, 10 мингдан зиёд маҳаллалар фаолият кўрсатмоқда, Интернетдан фойдаланувчилар сони 20 миллиондан ошди. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази ташкил этилганлиги Интернетдан фойдаланувчиларни ахборот таҳдидларидан огоҳлантириш имконини бермоқда. Фуқаролик жамияти ривожланишининг янги тарихий босқичи, халқ билан мулоқот, инсон манфаатларига муҳим аҳамият берилаётган шароитда шахс инфор­ма­цион ма­да­ния­тини ривожлантириш муаммоларини ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунлари, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қуватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон фармонлари, 2017 йил 27 мартдаги «Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш

мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-2851-сон, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон Қарори ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқариш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва шахснинг ахборот дунёси ўртасидаги боғлиқликни таъминлашда инсон омилининг ўрни ҳақидаги фикрлар тўғрисида буюк мутафаккир Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» асарида фуқаролик жамияти шароитида бошқарувнинг жамоатчилик асосида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Аристотель «Сиёсат» асарида фуқаролик жамиятини ривожлантириш муаммосига эътибор бериб, унга инсоният жамиятининг бахтли ҳаётини таъминлашнинг энг олий шакли сифатида қарайди. Шунингдек, Аристотель давлат тузумлари ҳақида фикр юритиб, бу хусусда Платон лойиҳасини таҳлил этади, жамиятни бошқаришда қонунларнинг тўғри ва адолатли бўлиши, давлат фаровонлиги ҳамда умум манфаатига хизмат қилишини таъкидлайди. «Қаерда қонун ҳукмронлиги мавжуд бўлмаса, - деб ёзади Аристотель, - давлат қурилмасининг бирор бир шаклига ҳам ўрин йўқ. Қонун ҳамма нарсага ҳукмрон бўлиши керак...».¹ Цицерон эса давлатга «халқ иши», ҳуқуқий муносабатлар, «умумий ҳуқуқий тартибот» сифатида қараган.²

Ғарбий Европада фуқаролик жамияти ҳақидаги илмий-фалсафий концепциялар Ж.-Ж.Руссо, Т.Пейн, И.Кант, Г.Гегел, Н.Макиавелли, Т.Гоббс, Ж.Локк, А.Верба, Г.Алмонд, Л.Пай, У.Розенбаум, Д.Каванаха, Д.Элазар, К. фон Бойме, К.Поппер, Р.Патнэм асарларида атрофлича таҳлил қилинган.³ Замонавий фуқаролик жамиятининг назариётчиси Р.Патнэм ҳокимият ва одамларнинг ўзаро яқинлиги ҳамда бирлашувининг очиқ ахборот алмашинуви билан боғлиқ ўзига хос белгисини қуйидагича асослаган: «Жамиятнинг асосий негизи иерархик ҳокимият ва тобеликнинг вертикал алоқалари эмас, балки уларнинг ўзаро яқинлиги ва бирлашувининг горизонтал алоқаси бўлиб бормоқда. Етакчилар оддий фуқаролар олдида жавобгардирлар».⁴ Бундан маълум бўладики, «электрон ҳужжат алмашуви», «электрон ҳуқумат», ҳатто,

¹ Аристотель . Политика . (Теории власти) Пер. с греч., предисл. и послесл. С.А. Жебелева. Примечания и комментарии А.И.Доватура -Москва, Академический Проект 2015. - 318 с.

² Марк Туллий Цицерон. О государстве. О законах -Москва, Академический Проект, 2016. - 249 с.

³ Макиавелли Н. Государь. – Москва.: ИНФО, 1988; Токвиль А. Демократия в Америке. -Москва., 1992.; Baker G.Civil Society and Democratic Theory: Alternative Voices. 2002.

⁴ Putnam R., Leonardi R., Nanetti R. Making Democracy Work: Civic Traditions in Modern Italy. – Princeton, NY, 1993. - P. 89.

«электрон давлат»гача бўлган тизимни яратиш асосида илгари анъанавий маъмурият жараёнларида имкон бўлмаган самарадорликка эришилади: яъни, ахборотга, ҳокимият органлари фаолияти устидан назорат ва мониторинг воситаларига ҳам махсус текширув ташкилотлари томонидан, ҳам фуқаролик жамиятига кириш кафолати, «қоғозбозлик» тартиботлари ва ҳоказоларни амалга оширишга нисбатан анча қисқа муддатларда маъмурий иш тартибининг ҳаммага тушунарли ва ошқора усуллари жорий этиш мумкин бўлади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги муҳим фундаментал қарашлар А.Бегматов, Ш.Пахрутдинов, Н.Ҳақимов, С.Отамуратов, И.Сайифназаров, М.Абдуллаева, М.Бекмуродов, Т.Жўраев, С.Жўраев, С.Мамашокиров, Қ.Назаров, Х.Бобоев, К.Джавакова, Т.Дўстжонов, Ш.Жалилов, А.Жалолов, Н.Жўраев, З.Исломов, Ш.Мамадалиев, Ф.Мусаев, М.Нишанов, Р.Рўзиева, А.Саидов, И.Толибов, Б.Тўйчиев, С.Хасанов, М.Қирғизбоев каби файласуф, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос олимлар томонидан ривожлантирилган.⁵

Шахсда информацион маданият шаклланишида жамият ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиёти, унинг эволюцион ривожланиши муҳим роль ўйнайди. Шу муносабат билан талаба ёшларнинг илм-фан, маърифат-маънавият, одоб-ахлоққа ҳамда сиёсий онгга асосланган информацион маданиятини шакллантиришда узлуксиз таълим тизими таркибий қисмларининг ўрни ва роли бекиёс. Юртимиз файласуф олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар диссертация мавзусини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Жумладан, З.Давронов⁶ компьютерларнинг яратилиши натижасида информацион маданият фан тараққиётига, билиш жараёнининг мазмуни ва моҳиятига чуқур кириб бораётганлигини, Б.Алиев, А.Мелиқулов⁷лар эса ахборотлашув жараёнининг асосий субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари манфаатларига хизмат қиладиган бундай саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад миллий манфаат ва кадриятларга таянган анъанавий тафаккур тарзига зарба бериб, бутун дунёда Ғарб андозаларига асосланган, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ягона тамаддун ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат эканлигини тадқиқ қилганлар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда глобаллашув ва фуқаролик жамияти шароитида шахс маънавий маданияти ривожланиш қонуниятлари» номли комплекс тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шахс информацион маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий, маънавий, ахлоқий омилларининг фалсафий жиҳатларини асослашдан иборат.

⁵ Мазкур олимларнинг асарлари диссертация охиридаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

⁶ Давронов З. Компьютерни илмий билиш. «Иқтисод ва ҳисобот». -Тошкент: 2010. №5/6 -59-60 б.

⁷ Алиев Б., Мелиқулов А. Ахборот хуружларидан хабардормисиз? -Тошкент: Маънавият, 2015. 13 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«информацион маданият» тушунчасининг таърифи, чегаралари, тарихий ва замонавий таснифларини тузиш асосида унинг категориал тушунчаларини шакллантириш, бу борадаги назарий-услубий муаммолар кўламини аниқлаш;

фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда шахс информацион маданиятини шакллантириш масаласи ижтимоий-фалсафий жараён эканлигини асослаш;

шахс информацион маданиятини юксалтиришнинг назарий асослари, меъёрларини таҳлил қилиш ва парадигмалари ҳамда уларнинг шахс информацион маданиятини шакллантиришдаги ўрнини асослаш;

жамиятни модернизациялаш шароитида шахс информацион маданияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини, глобаллашувнинг шахс информацион маданиятига таъсирининг ўзаро диалектик боғлиқлигининг фалсафий жиҳатларини асослаш.

шахс ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда информацион маданиятнинг ўрнини ифодаловчи назарий хулоса, амалий таклиф ва методологик тавсияларни ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти шахс информацион маданиятини шакллантириш жараёнлари.

Тадқиқотнинг предмети шахс информацион маданиятини шакллантирувчи омиллар ва унинг фуқаролик жамияти ривожига таъсири.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, комплекс ва тизимли ёндашув, социологик сўровнома, кузатув ва назарий моделлаштириш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида шахс маънавий оламини информацион хуружлар, мафкуравий тажовуз, дезинформация каби ахборот таҳдидлардан ҳимоялашга оид таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

информацион маданиятнинг мазмуни ва мақсадини ривожлантиришга таъсир этувчи ижтимоий маънавий омиллар - информацион онг, информацион макон, информацион саводхонлик моҳиятини аниқланган;

информацион маданиятни шакллантиришнинг объектив ва субъектив асослари, яъни инсон тафаккурининг субстрати - мия ярим шарлари асимметрияси ҳамда хотира, хаёл, ҳиссий эмоционал кечинмалар ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан асосланган;

ахборот хуружларининг шахс маънавий-ахлоқий дунёсига салбий таъсирини олдини олишда информацион маданиятнинг интегратив, гносеологик, аксиологик функциялари ва шахс информацион маданияти ривожланишига таъсир этувчи механизмлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида шахс информацион маданиятини шакллантириш омилларининг ижтимоий-фалсафий муаммолари ва концептуал ечимлари ишлаб чиқилган;

шахс информацион маданиятини шакллантиришнинг самарали ижтимоий педагогик воситалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, махсус журналлар, чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва респондентлар билан ўтказилган сўровлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида шахсда инфор­мацион маданиятни шакллантиришнинг ижтимоий фалсафий муаммолари ва концептуал ечимларининг комплекс тадқиқ қилинганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан муаммога оид илмий-тадқиқот ишлари, ижтимоий-фалсафий билимлар тараққиёти ва миллий ўзликни англашга салбий таъсир ўтказувчи ғояларни янги­ча усулда ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган назарий хулосалар, амалий тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги бўлимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида, ёшлар билан уюштирила­диган мулоқот, давра суҳбатлари ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида шахс инфор­мацион маданиятини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган ижтимоий-фалсафий таклифлар асосида:

шахс маънавий оламини инфор­мацион хуружлар, мафкуравий тажовуз, дезинформация каби ахборот тахдидлардан химоялашга оид илмий таклифлардан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятида фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2016 йил 9 декабрдаги 01-15/226-сон, Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг 2016 йил 13 декабрдаги 01/07-784-сон ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг 2018 йил 5 февралдаги 04-13/680-сон маълумотномалари). Илмий натижанинг қўлланилиши ёшлар инфор­мацион маданиятининг такомиллашувига хизмат қилган;

ёшлар инфор­мацион маданиятининг юксалиши жараёнига оид таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2014-0829162612 рақамли «VIII-IX синфлар таълим жараёнини ижтимоий педагогик лойиҳалаштириш методикасини ишлаб чиқиш («Ўзбекистон тарихи», «Иқтисодий билим асослари», «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанлари мисолида)» амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 89-03-870-сон маълумотномаси). Илмий натижа қўллан­манинг назарий жиҳатдан такомилла­ши­ни таъминлаган.

инфор­мацион маданиятни шакллантиришда инсон тафаккурининг субстрати – мия ярим шарлари асимметрияси ҳамда хотира, хаёл, ҳиссий эмоционал кечинмаларининг объектив ва субъектив асосларига оид таклифлардан ОТ-ф1-100 рақамли «Имконияти чекланган болалар ижтимоий

фаолиятининг бадий ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашув» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида «Шахс ва қадриятлар диалектикаси» номли монографияда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 89-03-870-сон маълумотномаси). Илмий натижа информацион маданиятни шакллантиришда мустақил хулосаларнинг такомиллашувига хизмат қилган;

ахборот хуружларининг шахс маънавий-ахлоқий қиёфасига салбий таъсирининг олдини олишда информацион маданиятнинг интегратив, гносеологик, аксиологик функцияларига доир таклиф ва тавсиялардан ЁА-1-007 рақамли «Радикал мафкураларнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири ва уларнинг олдини олиш усуллари» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 89-03-870-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши ёшларда мавфкуравий иммунитетни мустаҳкамлашнинг самарали тизимини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 4 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда 10 та мақола (9 та республика, 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шахс информацион маданиятини фалсафий тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида глобаллашув шароитида ахборот тизими ва шахс информацион маданиятини шакллантириш жараёни орасидаги ўзаро боғлиқлик, шунингдек, жамиятни демократлаштириш даврида ахборотлар тизимини мустақил ижтимоий воқелик сифатида илмий асосда таҳлил қилиш ижтимоий ва маданий жараёнлардаги демократик ўзгаришлар билан алоқадорлиги, шахс информацион маданиятнинг ўрни масалаларига эътибор қаратилган.

«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили давлат бошқаруви органларининг ваколатларини аста-секинлик билан босқичма-босқич фуқаролик жамиятига ўтказишни тақозо этмоқда. Бундай эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётий эътиқоди бўлган инсонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. Бу йўлда оммавий ахборот воситаларига суяниш ва ундан кенг фойдаланиш лозим.

Маълумки, бугун инсоният стратегик тараққиёт йўналишини белгилаб берувчи ҳамда муайян макон ва замонга тобе бўлмаган ягона ахборот макони сифатида юзага келаётган информацион асрга қадам қўйди. Шу боисдан ҳам ҳар бир давлат ўзининг самарали ахборот сиёсатини олиб боришда информацион воситаларга таянади. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти асослари шаклланаётган бугунги кунда оммавий ахборот воситалари фаолиятдан самарали фойдаланиш миллий ғоя тарғиботини йўлга қўйиб, жамият аъзолари онгида ғоявий иммунитетни ривожлантириб мустақил Ватанимизнинг салоҳиятини оширишга аҳолини сафарбар этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ёшларни кўп асрлик анъаналаримиз, қадриятларимиз асосида тарбиялаш, уларда замонавий янги қадриятларни қарор топтириш, билан биргаликда, ахборот билан ишлаш бўйича билимларини ҳам ошириш зарур. Шу йўл билан жамиятда информацион маданиятни инсоннинг интеллектуал ресурсларини ривожлантирувчи субъектлар илмий ходимлар билан таъминлаш мумкин бўлади. Фуқаролик жамиятини демократик принцип ва умуминсоний қадриятлар билан суғорилган миллий модел асосида қураб эканмиз, бу йўлда одамларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини тўғри йўналтиришда ОАВ ҳамда ахборотнинг аҳамияти нечоғлик кучли эканини англаб етмоғимиз жуда муҳим.

Фуқаролик жамиятининг асосий мезонларидан бири фуқароларнинг юксак даражада информацион маданиятга эга бўлишлари ҳисобланади. «Информацион тизимлар ва информацион маданият» тушунчасини таҳлил қилишда, биринчидан, унинг мазмунида кенг маънодаги ижтимоий воқелик ва ижтимоий-фалсафий фикрлар мавжудлигини, иккинчидан, методологик масалалар, чунончи, информацион тизимни илмий ўрганишга йўналтирилган тадқиқот мавзуси вужудга келганлигини, учинчидан, демократик ислохотлар чуқурлашуви жараёнида муайян таъсирчан мавқега эга бўлган шахс информацион маданияти шаклланаётганини инобатга олган ҳолда ёндашиш лозим.

Инсон кўп қиррали фаолиятининг ахборотлашуви янги гносеологик вазиятни яратди, жамиятнинг барча жабҳаларида кенг доирада техникавий, технологик тизимлар ишга тушмоқда, шахс информацион маданияти ривожига янги давр бошланди, уларнинг барчаси абстракт тафаккурнинг кучайишига олиб келди. Зеро, «бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор

қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда».⁸ Бундай ҳолат эса уларда инфор­мацион маданиятни шакллантириш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Модернизациялаш даврида ривожланиб бораётган компьютер техникаси, ахборот технологияси инсон тафаккурининг ажралмас воситасига айланиб, шахс инфор­мацион маданиятининг тобора кенгайиши ва инсон ахборот майдонининг абстрактлашувига олиб келмоқда.

Шахс инфор­мацион маданиятининг шаклланиши жараёнида қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

биринчидан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет билан асосан ёшлар қизиқади, улар динамик равишда ўсиб боровчи ижодий куч, мамлакат, миллат, давлатнинг келажагидир;

иккинчидан, интернет ёшларнинг дунёқараши, тафаккури, ахлоқи, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий онгини шакллантирувчи муҳим омиллардан биридир.

Шунингдек, ушбу бобда шахс инфор­мацион маданиятининг мазмун-моҳияти, унинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилинган. Тадқиқотчи ҳозирги даврнинг характерли хусусиятларидан бири шиддат билан кенгайиб бораётган глобаллашув жараёнида ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий ҳаётнинг ялпи ахборотлашувдан иборатлиги, глобаллашув ва ахборотлашув бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган диалектик бирликдаги ижтимоий воқелик эканлигига алоҳида эътибор қаратади.

Ахборотлашув жараёнининг асосий субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари манфаатларига хизмат қиладиган бундай саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад миллий манфаат ва қадриятларга таянган анъанавий тафаккур тарзига зарба бериб, бутун дунёда ғарбона андозаларга асосланган, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ягона тамаддун ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат.⁹

Шахс инфор­мацион маданиятини илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганиш ва шакллантиришда қуйидаги масалаларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, шахснинг инфор­мацион маълумотлар билан таъминланган ҳолатини таҳлил қилиш;

иккинчидан, шахснинг инфор­мацион маданиятини экспертиза қилиш ва баҳолаш;

учинчидан, шахс инфор­мацион маданиятини «горизантал» ва «вертикал» тарзда юксалиши тўғрисида умумлаштирилган маълумотлар олиб туриш;

тўртинчидан, «буюртмачи» ва «бажарувчи» ўртасида ўзаро алоқани ташкил қилиш.

Шахс инфор­мацион маданиятининг шаклланиши ва эволюцияси ҳозирги кунда муҳим ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий аҳамият касб

⁸ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -23 б.

⁹ Алиев Б., Меликулов А. Ахборот хуружларидан хабардормисиз?. -Тошкент: Маънавият. 2015. -13 б.

этнода. Информацион жамиятнинг сиёсий ташкилотлари ва давлат ҳокимиятининг ядросини сайловчилар томонидан танланган шахслар ташкил қилади, ривожланиш жараёнида оммавий ахборот воситалари ва сайловчилар ўртасидаги ўзаро алоқа муҳим аҳамият касб этмоқда. Информацион жамиятга молик бўлган демократиянинг асосий компонентларининг умумий сайлов ҳуқуқи ва мутлоқ эркин ахборотга эга бўлиш ташкил қилади. Чунки халқ сиёсий чеклаш ва тақиқлашлар бўлмаган тақдирдагина, мутлақо эркин информацион шароит яратилгандагина ўзи танлаган номзодни сайлаши мумкин.

Фуқаролик жамияти ривожланиш жараёнида ахборотлашув ҳамда шахс информацион маданияти юксалиши мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ривожига объектив таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳол глобал ахборотлашув ва ахборотлаштиришни инсоният манфаатларига йўналтиришни кенгайтириш вазифасини кўяди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фикрлари эътиборга молик: «Албатта, бу ҳақда кўп гапириш мумкин, лекин ана шу миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, шу асосда оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий тўртинчи ҳокимият бўлиб майдонга чиқишига эришиш, миллий медиа майдонимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб қолаётганини барчамиз яхши тушунамиз».¹⁰ Шу ўринда ахборотнинг коммуникатив тизимнинг жамият ҳаётидаги ўрни тобора салмоқли босимга эга бўлиб бораётганлигини назарда тутмоқ керак. Бундай шароитда:

биринчидан, глобаллашув шароитида миллий мустақилликнинг ахборот тизимини таъминлаш борасидаги манфаатлари;

иккинчидан, ривожланиш натижасида шиддат билан кучайиб ва кенгайиб бораётган ахборот тизимининг миллий манфаатларга хизмат қилиш хусусиятига эга эканлиги;

учинчидан, шахс информацион маданиятини шакллантиришда халқаро ахборот тизимидан самарали фойдаланиш зарур.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Шахс информацион маданияти шаклланишининг таълим жараёни билан уйғунлиги**» деб номланган бўлиб, унда шахс информацион маданияти ва унинг эволюцияси, талаба ёшларда информацион маданиятни шакллантиришда узлуксиз таълим тизимининг роли илмий, ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Шахс информацион маданиятининг эволюциясида маърифий муҳит, мафкура, миллий ва умуминсоний кадриятлар муҳим роль ўйнайди. Шахснинг информацион маданияти аввал бошданок интегратив хусусиятга эга бўлиб, унинг интегратив функцияси турли тоифага, ижтимоий гуруҳга, динга, дунёқарашга, мақсад ва интилишларга эга бўлган кишиларни ягона эзгу мақсад йўлида жипслаштиришга, толерантлик хусусиятларини тарбиялашга қаратилган бўлади. Интегратив функция жамиятни

¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -500 б.

ривожлантиришга муҳим янгиликлар кўша олиш хусусияти шу соҳадаги барча босқичларда якка шахс тақдирдан тортиб жаҳон ҳамжамияти ривожига, истиқболга янгиликлар киритиш мақсадида ижтимоий, иқтисодий муаммоларни илмий асосда ҳал этиш йўллари излаб топишга қаратилганлиги таъкидланган.

Шу нуқтаи назардан ёндошганда ахборотлашган жамиятда бегона, ёт ғоя ва мафкуралардан андоза ёки уларни ахборот соҳасига сунъий тикиштириш ва тезлаштириш ҳолати кутилган натижа бермайди. Бунда «Матбуот - шахс - жамият - давлат» ўртасида ўзаро мулоқот қайтма (тескари) алоқа такомиллашиб, оммавий коммуникацияларда ахборот хизматининг диверсификацияси юзага келади.¹¹

Ҳозирги даврда фуқароларнинг информацион маданиятини юксалтириш уларда ахборотни саралаш ва ундан онгли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ. Шу боисдан ҳам мазкур тадқиқотда шахс информацион маданияти ўзининг асл моҳияти ва мазмуни билан инсоният яратган маънавий-маданий бойликларни умуминсоний қадриятлар мазмунига сингдиришда фан, адабиёт, санъат соҳаларидаги ижодкорлик, инсон ва унинг манфаатларини устувор деб билиши каби жиҳатларини маънавий бойликка айланишига хизмат қилишидаги тамойиллари очиб берилган. Информацион маданият ўз хусусиятига биноан шахс интеллектуал капиталининг юксалишига сабаб бўлади, унинг таркибий қисмини эса интеллектуал мулк ташкил қилади. Интеллектуал мулк доирасига техник-технологик кашфиётлар, амалий маслаҳатлар илмий тадқиқотлар, турли интеллектуал воситаларни яратиш, интеграл, электрон схемалар, компьютер дастурлари, илмий ва ўқув адабиётлар киради.

Шахс информацион маданиятининг шаклланиши глобаллашув жараёни дунё миқёсида мафкуравий кураш ва таҳдидлар ғоят авж олган шароитда юз бермоқда. Шу боисдан фалсафий тадқиқотчиларда шахс информацион маданиятини шакллантириш ва уни жамиятни фаол иштирокчисига айлантириши, вужудга келган муайян тарихий шароит билан боғлиқ эканлиги таъкидланади. Жамиятнинг ривожланиши янги тарихий босқичга кирганлиги, яъни ахборот жамият даври бошланганлигини қайд қилиш лозим. Ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборотлашув соҳасидаги ўзгаришлар жараёни сиёсий, ижтимоий - маданий ва маънавий соҳаларга ҳам чуқур таъсир этади. Ушбу жараёнларнинг муҳим кўриниши глобаллашув ёки ахборотлашиш, ахборот технологиялари воситасида, информацион маданиятнинг ҳар бир шахс, унинг онги ва фаолиятига кириб боришидан иборат.¹²

Шахс информацион маданиятининг шаклланиш эволюцияси бевосита инсоннинг фаолияти, яъни турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда рўй беради. Диссертацияда бу жараён жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига

¹¹ Абдуазимов О. Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли. - Тошкент: Маънавият, 2015. -7 б.

¹² Абдуллаева М.Н., Ғофурова Г. Ўзбекистонда глобаллашув ва ахборотлашув жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари. - Тошкент: "NOSHIR" нашриёти, 2008. -15 б.

талаблари ва шахс эҳтиёжларига боғлиқ эканлиги таъкидланади. Жамиятнинг ахборотлашуви жараёни истеъмолчиларга ишончли ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятларини берадиган, уларни самарасиз ишлардан халос этадиган, инсон фаолиятини юқори даражада компьютерлаштиришни таъминлайдиган жамият сифатида талқин этилади. Шунинг учун ҳам жамият ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ахборотлашувнинг ўрни ва аҳамияти ортиб бориши объектив жараён дир. Айнан шу ўринда шахснинг информацион маданияти узлуксиз ривожланиб, замонавий хусусиятларни касб этиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шахс информацион маданиятининг шаклланиши ва эволюцияси жамиятнинг маърифий ҳамда мафкуравий жараёнлари билан боғлиқлигини эътиборга олиш зарур. Шунинг учун ҳам ижтимоий муҳитнинг шахс информацион маданияти шаклланишидаги ўрни муҳим. Шахс информацион маданиятининг шаклланиши жараёнида медиатаълим катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг таълим тизими эришган ютуқлари жаҳонда эътироф этилди. Ёшларни миллий ғоя, буюк аждодларимизнинг маданий-маънавий мероси, ғоялари, қадриятлари ҳамда мустақиллик ғоялари руҳида тарбиялаш жамият эҳтиёжи ҳисобланади.

Шубҳасиз, медиатаълим ОАВ ва коммуникациянинг педагогик аспектдаги бир қисми ҳисобланади. Медиатаълим дунёнинг исталган давлати фуқаросининг эркин фикрлай олиши ва ахборот қабул қилиши ҳуқуқининг ажралмас қисми бўлиб, у демократияни мустаҳкамловчи восита дир. Медиатаълим барча мамлакатларнинг миллий таълим тизими режаларига, шу билан бирга, нодавлат, қўшимча ва ҳаётий таълимга киритилиши лозим».¹³

Унинг назарий асосларини педагогика ва медиа ҳақидаги фанлар мажмуаси ташкил этади. Амалий жиҳатдан эса унинг асосида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти натижасида инсонни медиалашган муҳитга тайёрлаш ётади. У фан, йўналиш сифатида ҳали анча ёш бўлиб, оммавий коммуникация шароитида информацион маданиятни шакллантириш жараёнига хизмат қилади.

Ушбу бобда Ўзбекистон ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги демократик ислохотлар туфайли ривожланиб бораётганлиги, сиёсий муассасаларнинг демократик жамиятдаги ўрни ва ролининг ошиб бораётганлиги, фикр ва мафкуралар хилма - хиллигининг қарор топганлиги, шахс информацион маданиятининг янгича асосга қўйилганлиги таъкидланади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Шахс информацион маданияти шаклланишида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни**» деб номланиб, унда фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш жараёнида информацион маданият юксалишини таъминловчи омиллар тадқиқ қилинган.

Бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири – мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг тизимлилигини, мунтазамлилигини унинг самарали таъминлашда муҳим ўрин тутувчи фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ОАВнинг фаолиятини мазкур

¹³ UNESCO (1999) Recommendations Addressed to the United Nations Educational Scientific and Cultural Organization UNESCO. In education for the Media and the Digital Age Vienna pp. 273-274.

жараёнларга мос ҳолда ривожлантириб боришдир. Ушбу институт фаолиятини замон талаблари асосида ислоҳ қилишнинг муҳимлигига, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таъкидлаганидек, «Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарт - бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир».¹⁴

Бугун инсон онгини программалаштириш, ахборот экспанцияси, маданий гегемонлик, маданий империализм каби иборалар қўлланилмоқда. Унда янги маданий тамойилларга кўр-кўрона эргашиш, ҳукмрон маданий ахлоққа бўйсунуш каби ҳодисалар кузатилмоқда. Ушбу жараён нафақат катталар, ҳатто болалар психологиясига ҳам таъсир қилади. Болалар шуурини эгаллаш қуролларидан бири Интернет тармоғи ҳисобланиб, у бошқа воситаларга қараганда етакчилик қилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди: «Болалар ва ёшларга махсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихини, хорижий тилларни ва замонавий компьютер дастурларини чуқур ўргатиш вазифалари ҳали сифатли ва тўлиқ ечилгани йўқ. ...Бу ўринда гап, энг аввало, ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда. Бу борада замонавий компьютер технологиялари ва айниқса, Интернет тизими биздан анча илдамлаб кетганини ҳам инобатга олиш зарур».¹⁵

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида компьютер технологиялари ижтимоий, иқтисодий ҳаётда мустаҳкам ўринга эга, компьютер саводхонлиги кўрсаткичи эса кўп ҳолларда инсоннинг юқори савиясини белгилаб берадиган омилга айланиб бормоқда. Жамиятда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик институтлари фаолиятини кенгайтириш, аввало, шахс сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида нечоғлик фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ. Шунга кўра, жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтларидан бири бўлган нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни, у ахамиятини кескин кучайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида ҳаётга жорий этишнинг асосий ва муҳим шартидир. Нодавлат ноижорат ташкилотлар фуқаролик жамиятида мавжуд барча манфаатларни қамраб олиб, уларни ифодалагандагина, ўз вазифаларини самарали бажаради. Шунингдек, демократик ислоҳотлар чуқурлашуви, кучли фуқаролик жамияти куришда фуқароларнинг фаоллиги, фуқаролик жамияти институтларининг, жумладан, нодавлат ноижорат

¹⁴ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Том.13. -Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 190 б.

¹⁵ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -45-47 бетлар.

ташкilotларнинг интеграциявий жараёндаги иштирокига боғлиқ. Бу эса қуйидагилар ҳал этилишини талаб этади:

фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятида интеграциявий жараёни тизимли тарзда амалга оширишни йўлга қўйиш;

жамиятни модернизациялашда фуқароларнинг онги, тафаккур, эҳтиёж ва манфаатларининг ошиб боришини инобатга олган ҳолда уларнинг ҳуқуқий маданиятини, фаоллигини мақсадли йўналтиришни;

сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда маънавият муҳим омил эканлигини ҳисобга олиш;

глобаллашув жараёнида шахс ҳаёти, фаолияти, дунёқарашида замон талаблари даражасининг ошиб бориши;

унинг информатсион маданияти шаклланишида акс этишини ҳисобга олган ҳолда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагини ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат, буни сезмаслиги мумкин эмас. Шу сабабли ҳам оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги принципларини амалда таъминлашга эришиш, матбуотда танқид руҳини кучайтириш бизх учун энг муҳим мақсадлардан бири бўлиб келмоқда. Дунё миқёсида ижтимоий иқтисодий ривожланиш, жамиятда ахборот алмашинуви, тезлашаётган даврда ҳозирги замон ахборот технологияларидан, Интернет имкониятларидан самарали фойдаланишга тайёр бўлиш матбуот, ахборот ва медиа тармоқлари фаолиятини кучайтириш талаб қилинади.

Ҳозирги кунда ёшлар учун одатий ҳолга айланиб улгурган «боевик», «триллер», «шлягер», «комикс», «юлдуз»лик касали, ҳар хил ток-шоу каби оммавий маданият кўринишлари халқимиз менталитетининг асосини ташкил қилувчи миллий қадриятларни заифлаштиришга қаратилган. Дарҳақиқат, Шарқда азалдан шахс жамият давлат муносабатларида миллий қадриятлар алоҳида қимматга эга бўлган. Шу ўринда Н.Ликошин «Агар оврўполикка одоб-ахлоқ фақат ўз қадрини сақлаб туриш учун керак бўлса, Шарқда ўз кадр-қиммати ва ҳурматини сақлаш, ижтимоий келиб чиқиши ва мулкий ҳолатидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг бурчи тариқасида қаралади»¹⁶, дея таъкидлаган эди. Яъни, Европада шахс ахлоқ меъёрларига воқеликдаги мансаби ёки мулкни сақлаб қолиш учунгина амал қилади, Шарқда эса шахс миллий қадриятлар таъсирида тарбия олгани учун ўз «мен»ини англайди.

Шу боисдан ҳам ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш ва шу асосда шахснинг информатсион маданиятини шакллантириш ва баркамол шахс сифатида камол топтириш мустақил давлат сиёсатида алоҳида ўрин эгаллаган. Шахснинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборот ҳамда ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо

¹⁶ Сборник материалов по Мусульманству: В 2-х т. Т2 / Под. Ред. В.П.Наливкина. - Москва: 1900.

этишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун шахс инфор­мацион маданиятини шакллантириш ва юксалтириш демократик ҳу­куқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

ХУЛОСА

«Фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида шахс инфор­мацион маданиятини шакллантириш» мавзусидаги фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ҳозирги ижтимоий иқтисодий тараққиёт мазмун жиҳатдан илгарги даврдан тубдан фарқ қилади. Бунда шахснинг инновацион инфор­мацияларга эҳтиёжининг ортиб бораётганини кузатиш мумкин, ёшларнинг мафкуравий, инфор­мацион хуружлардан ҳимояланишида шахснинг юксак инфор­мацион маданиятга эга бўлишини тақозо этади.

2. Шахсда маънавий фазилатларни шакллантиришда унинг инфор­мацион дунёқараши, эҳтиёжи, билим ва малакалари тизими, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий йўналишдаги воқеликка онгли муносабати ҳамда ҳар қандай салбий мафкуравий таъсирдан ўзини ҳимоялаш қобилиятини тарбиялаш жамиятнинг ривожланиш стратегияси вазифаларидан бири ҳисобланади.

3. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланишини таъминлаш учун ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, унинг инфор­мацион маданиятини шакллантириш, интеллектуал қобилияти, ақл-заковатини, ислохотлардаги иштирокини фаоллаштириш заруриятини тақозо қилади.

4. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида шахснинг фаолиятига инфор­мацион восита ва омиллар таъсири ортиб бормоқда, тезкор инфор­мациялашган жамиятга хос хусусият ва функциялар қарор топаётганлиги инфор­мацион маданият юксалишига муҳим эътиборни талаб қилади.

5. Глобаллашув шароитида ёшларни бузғунчи инфор­мацион оқимлар таъсиридан ҳимоялаш, уларда юксак ахборот маданиятини юксалтириш муаммоси ижтимоий заруриятга айланиб бормоқда. Шунингдек, ҳозирги даврда шахсда инфор­мацион маданиятни шакллантириш узлуксиз таълим ро­лининг тизимли концепциясини яратишга катта эҳтиёж сезилмоқда.

6. Фуқаролик жамияти ривожланишининг ҳозирги мураккаб, масъулият­ли даври маънавий-маърифий ишлар, мафкуравий таълим-тарбия марказида ёш авлод манфаатлари туриши зарурлигини англаш, уларнинг теран фикрли, мустаҳкам эътиқодли қилиб тарбияланишларини асосий мақсад қилиш, сохта, бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишидан асрашда инфор­мацион маданият имкониятларидан самарали фойдаланишни тақозо қилади.

7. Хорижий давлатлар олий ўқув юртлари, таълим муассасаларида шахс инфор­мацион маданиятини шакллантиришда фойдаланиш мумкин бўлган самарали восита, методик усул, инновацион педагогик технологиялардан фойдаланилаётган тажрибалардан, унинг ижобий жиҳатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.01.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

АБДУМАЛИКОВ АБДУЛАТИФ АБИДЖОНОВИЧ

**ФОРМИРОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ ЛИЧНОСТИ В
УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА**

09.00.04 - Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.PhD/Fal108.

Диссертация выполнена в Ферганский государственный университет.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (ik-falsafa@nuu.uz) и на Информационном образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Хакимов Назар Хакимович**
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Туйчиев Бердикул Туракулович**
доктор философских наук, профессор

Рузиева Рухсора Ходиевна
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация: **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Здание Факультета социальных наук Национального университета Узбекистана, 5 этаж, 511-аудитория. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №__). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года).

Н.Х.Хакимов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.н., профессор

Н.Б.Абдуллаева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

М.Т.Жакбаров

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время информационная культура приобретает все большее значение в международных и межгосударственных отношениях, а также в жизни страны. По всему миру в настоящее время услугами интернета пользуются более 3.2 млрд. человек. Благодаря информационным технологиям всякое событие-явление мгновенно становится событием глобального масштаба. В процессе глобализации информация является как положительной, так и негативной силой. В связи с этим мировое сообщество уделяет серьезное внимание проблеме развития информационной культуры. Подтверждением этому является принятие Хартии глобального информационного общества, подписанной развитыми странами.

Во всем мире существует стремление разработать механизмы и технологии предупреждения различных влияний в информационной сфере. В частности ведутся исследования по информационной культуре личности и ее социально-философскому анализу; информационной культуре в информатизированном обществе: теоретический анализ и практические выводы; повышению значения информационной культуры в жизни личности в процессе глобализации, ее социальным задачам, структуре и направлениям. Поэтому особое внимание уделяется процессам глобализации в сфере информации, социально-философской, идеологической сущности, закономерностям, специфическим особенностям информации, проблемам формирования информационной культуры.

В нашей стране осуществляется широкомасштабная деятельность по адаптивированию информационной сферы к мировым стандартам и предотвращению информационных атак. В период демократических реформ в стране разработано и внедрено в практику более 200 законодательных актов, на основе которых организовано более 9000 негосударственных некоммерческих организаций, более 1500 средств массовой информации, более 10 тысяч махаллей осуществляют свою деятельность, число интернет-пользователей увеличилось до 20 миллионов человек. Создание Центра помощи обеспечению безопасности информации и общественного порядка при Министерстве по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан дает возможность предупреждения национальных интернет-пользователей об информационных атаках. На новом историческом этапе развития гражданского общества, когда серьезное внимание уделяется общению с народом, интересам человека, исследование проблем развития информационной культуры личности приобретает важную теоретическую и практическую значимость.

Данное диссертационное исследование в определенной мере послужит реализации задач, определенных в законах Республики Узбекистан «О средствах массовой информации» от 15 января 2007 года, Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года,

УП-5106 «О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана» от 5 июля 2017 года, постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-2851 «О дополнительных мерах по совершенствованию деятельности независимого института по мониторингу формирования гражданского общества» от 27 марта 2017 года, ПП-3160-сон «О повышении эффективности духовно-просветительской деятельности и поднятии на качественно новый уровень развития сферы» от 28 июля 2017 года и других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование утверждено в Координационном центре развития науки и технологии при Кабинете Министров Республики Узбекистан, а так же выполнено в рамках практического проекта I. «Разработка научных основ дальнейшего углубления демократических реформ, формирования гражданского общества, модернизации и либерализации национальной экономики».

Степень изученности проблемы. В обеспечении взаимосвязи между формированием гражданского общества и информационным миром личности большую роль играет человеческий фактор, об этом говорил еще великий мыслитель Фараби в своем произведении «Взгляды жителей добродетельного города», рассматривая вопрос об общественном управлении в условиях гражданского общества.

Аристотель в своем произведении «Политика», уделив внимание проблеме развития гражданского общества, рассматривает его в качестве высшей формы обеспечения счастливой жизни человеческого общества. Вместе с тем Аристотель, размышляя о различных структурах государств, анализирует проект Платона, утверждает, что законы управления общества должны быть правильными и справедливыми, служить благосостоянию государства, интересам общества. «Где бы ни господствовал закон, - пишет Аристотель, - там нет места для какой бы то ни было форме государственного устройства. Закон должен господствовать надо всем...»¹. Цицерон же рассматривал государство как «деятельность народа», правовые отношения, «общий правовой порядок»².

